

МИРҚОСИМОВА Марғуба,

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Дин психологияси ва педагогика кафедраси
профессори, педагогика фанлари доктори*

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ИЖТИМОЙ КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

FORMATION OF SOCIAL SKILLS IN PRIMARY SCHOOL PUPILS

ФОРМИРОВАНИЕ СОЦИАЛЬНЫХ НАВЫКОВ У УЧЕНИКОВ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ

Аннотация: Мақолада бошланғич синф ўқувчиларида бола шахсининг умумий ривожланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, унинг муваффақиятли ижтимоийлашуви учун зарур ижтимоий кўникмаларни ривожлантириш муаммоси ўрганилган ва бу борадаги амалий тавсиялар баён қилинган.

Калит сўзлар: ижтимоий ривожланиш, таълим-тарбия, анъана, қадриятли ёндашув, ёш хусусиятлари, интеллектуал қобилият, ижтимоий кўникма, фаолият ва хулқ-атвор.

Аннотация: В статье рассматривается проблема создания необходимых условий для обеспечения общего развития личности ребенка у младших школьников, развития необходимых социальных навыков для его успешной социализации, а также описываются практические рекомендации в этой связи.

Ключевые слова: социальное развитие, образование, традиция, ценностный подход, возрастные особенности, интеллектуальные способности, социальные навыки, деятельность и поведение.

Abstract: The article illustrates the problem of creating the necessary conditions for ensuring the general development of the child's personality, developing the necessary social skills for his successful socialization at elementary school students, and gives practical recommendations in this regard.

Keywords: social development, education, tradition, value approach, age characteristics, intellectual ability, social skills, activity and behavior.

КИРИШ

Мустақиллик йилларида ёшлар манфаатларини ҳар томонлама ҳуқуқий ҳамда ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар рўёбга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари: “Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда,”- деб алоҳида таъкидлаган эдилар [1.]. Шу боис мамлакатимизда “мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истикболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш” [1] ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бирига айланди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Миллий психология ва педагогиканинг болалар ижтимоийлашув жараёни ва унинг таълим-тарбияси ўртасидаги муносабатларни ўрнатиш борасида катта тажрибаси мавжуд. Аммо бунда ижтимоийлашув қоида тариқасида кенг маънода, яъни ўсиб келаётган авлоднинг анъана ва қадриятларни ўзлаштириши ҳамда ижтимоий тажрибани фаол қайта қўллаш туфайли жамият ҳаётида иштирок этиш жараёни ва натижаси сифатида тушунилади.

Замонавий бошланғич таълимни ривожлантиришнинг етакчи тенденцияси нафақат ўқувчиларнинг бошланғич билим, кўникма ва малакаларни эгаллаши, энг муҳим интеллектуал қобилиятларни ривожлантириш, балки бола шахсининг умумий ривожланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, унинг муваффақиятли ижтимоийлашуви учун зарур ижтимоий кўникмаларни ривожлантириши ҳам ўз ичига олади. Ижтимоий кўникмалар деганда биз ижтимоий хулқ-атворнинг барқарор шакллари тушунамиз. Кўникма – бу фаолиятнинг барқарор элементи, ижтимоий ҳаракат.

Ижтимоий хулқ-атвор кўникмалари ҳақида гапирганда, нафақат мазкур йўналишга доир билимлар, балки уларни қўллаш, ролли хатти-ҳаракат меъёр ва қоидалари, ижтимоий функциялар, урф-одатларга қадриятли муносабатни ҳам назарда тутамиз. Амалиётда ижобий тасдиғини топиб, самарали натижага эришиш имконини берадиган атрофдагилар

билан ўзаро алоқалар тизимида тўпланган энг аҳамиятли шахсий тажрибани қайд этиш муҳимдир.

Кўникмалар – нафақат яхши машқ қилинган ва ўзлаштирилган, балки муайян хатти-ҳаракатлар моделини қабул қилиш ҳамда англашга асосланган ҳаракатлардир. “Ижтимоий кўникма” тушунчаси бу - инсон фаол фойдаланадиган ва амалга оширилган малакалардир. Ижтимоий малакалар – бу бир нечта ижтимоий кўникмаларнинг элементларини ўз ичига олган хулқ-атворнинг юқори даражаси. Улар орасида хатти-ҳаракатлар, ўз ички дунёси билан муомала усуллари ҳам мавжуд. Англашиладики, ижтимоий малакаларни шахсга оид ҳаракатлар деб ҳисоблаш мумкин бўлиб, уларнинг предметли мазмунини шахслараро ва шахсга оид ички таъсир усуллари ташкил қилади.

Шундай қилиб, ижтимоий кўникмалар – бу ижтимоий хулқ-атворнинг ўзлаштирилган элементлари бўлиб, улар ижтимоий олам, ўзи ва бу дунёдаги ўрни ҳақидаги билимларга, ижтимоий ўзаро алоқаларни оsonлаштирадиган хатти-ҳаракатлар ҳақидаги билимларга ҳамда инсонга атроф-муҳит билан муносабатларни самарали равишда ўрнатишга, ўз ўрнини белгилаб олишга ва ўзлигини намоён қилишга имкон берадиган ҳаракатларга асосланади.

Ижтимоий кўникмаларнинг ўзига хос хусусияти қуйидагилардан иборат:

- ижтимоий-маданий меъёрларни билиш, улардан толерант хулқ-атвор моделининг намунавий асоси сифатида фойдаланиш қобилияти;

- атроф-муҳит билан ўзаро муносабатларда ўз ҳис-ғуйғулари, эмоцияларини тушуниш, уларни ижтимоий мақбул ҳамда мос шаклда ифода этиш қобилияти;

- ўзининг индивидуаллиги ва кадр-қиммати, шунингдек, бошқа инсонлар шахсининг кадр-қимматини англаш;

- атроф-муҳит билан ўзаро муносабатларда юзага келадиган одатий муаммоли вазиятларни англай олиш қобилияти, конструктив ечимларни излашга интилиш;

- умумиҷтимоий ва шахсий тажрибани умумлаштириш қобилияти.

Болаларда кўникмаларни шакллантиришнинг фаолиятли модели сифатида тушуниш мақсадга мувофиқ. Бунда муайян вазиятда онгли ва моҳирона хатти-ҳаракатларни намоён этган болаларнинг

билим ва тажрибаларига урғу берилади, бу эса унинг атроф-муҳит билан муносабатлар тизимига қандай таъсир қилишини аниқлашга имкон беради. Ижтимоий кўникмаларни шакллантириш шуни назарда тутадик, инсоннинг ўзи ва бошқалар (ўзи, бошқалар, ижтимоий-тарихий) ҳақидаги умумлаштирилган психологик билимлар тажрибаси асосида ҳар қандай муаммони самарали ҳал этиши мумкин. Ижтимоий кўникмаларнинг юқори даражаси нафақат бошқа кишининг тажрибасини кўчириш, маълум қоидалар, стереотиплар, муносабатларга риоя қилиш, балки турли вазият ва шароитларда билим ва малакалардан етарли даражада фойдаланишни ҳам англади.

Ижтимоий кўникмаларни шакллантириш жараёнининг муҳим бўғини – бу фаолият ва хулқ-атворнинг бир қисми бўлган мураккаб руҳий ҳаракатларни шахснинг ўзи томонидан бошқарилишидир. Ижтимоий хулқ-атворни бошқариш ўзини ўзи англаш ва ўзига нисбатан эмоционал-қадриятли муносабат таркиб топтиришни назарда тутди. Ушбу жараён хулқ-атвор ҳаракатини амалга оширишнинг барча босқичларида – унинг мотивацион таркибий асосдан фаолиятга доир компонентгача фаолликни таъминлашни тақозо этади.

Мактаб ижтимоий муассаса сифатида қуйидаги вазифаларни амалга ошириши лозим: атроф-муҳит билан ўзаро муносабатларнинг меъёрлари, тамойиллари ва усуллари тўғрисида маълумот бериш ва уларга нисбатан шахсий муносабатни шакллантириш; мавжуд тажриба, билим, қадриятли йўналишлар, шунингдек, шахсга оид сифатлар ва коммуникатив малакаларини ривожлантиришга асосланган ҳолда, шахснинг муаммоларни ҳал қилишга қаратилган ташқи ва ички фаолияти самарадорлигини таъминлаш; ҳаётда ўз ўрнини топиш, уни онгли тарзда лойиҳалаштириш – мустақил ҳаётга тайёрлашда аниқ мўлжални олишга ўргатиш.

Билим англаш жараёнининг натижаси сифатида тасаввурлар, мулоҳазалар, тушунчаларда ифодаланади. Қадриятлар инсон фаолиятига тушуниш, баҳолаш жиҳатларини олиб киради ва хулқ-атвор мотивларига айланган ҳолда, шахснинг қадриятли йўналганлигини англади. Таълим ташкилотининг вазифаларидан бири ўқувчиларга қадриятлар тизимини ишлаб чиқишга ёрдам беришдан иборат. Қадриятлар тизими ўзини ва бошқаларни баҳолаш, ўз

муносабатини ифода этиш, ўз танловини амалга ошириш учун зарур бўлган координаталар тизими вазифасини бажаради. Қадрият меъёрдан фарқли ўлароқ, танлаш имкониятини беради ва шунинг учун айнан танлов вазиятида қадриятли-мазмунли компонентга тегишли хусусиятлар яққолроқ намоён бўлади. Бундай ҳолда қадрият мотив сифатида намоён бўлиши мумкин, яъни инсонни реал ҳаракатларга ундаши ва йўналтириши мумкин.

Агар қадрият дин, мафкура, санъат каби ижтимоий онг шаклларида алоҳида ажратиб қаралса, у ҳолда унинг мустақил маъно-моҳиятига нисбатан шубҳа уйғонади. Чунки инсон ёки жамиятнинг бирор-бир эҳтиёжларининг қондирилиши нафақат моддий, шунингдек, идеаллик билан ҳам алоқадорликни акс эттиради. Эҳтиёжнинг ўзи ҳам ижтимоий ҳаётнинг қатор шарт-шароитлари ва ўзига хосликларини аниқлаб беради. Демак, қадрият инсон ва жамиятнинг ташқи оламга муносабатининг, уларнинг ички эҳтиёжлари ва воқеликка муносабатлари билан уйғунлашуви натижасида юзага келади. Мазкур муносабатнинг барқарор хусусият касб этиши инсон фаолиятининг мақсади ва мотивларини шакллантиришга хизмат қилувчи “қадриятли йўналганлик” атамаси билан ифода этилади.

Қадриятга йўналганлик, шунингдек, ўз ичига индивиднинг ҳаётий тажрибалари ва орзу-армонларини ҳам қамраб олади. Ана шу сабабли қадриятга йўналганлик ўзига хос психологик тавсифга эга бўлиб, шахс тузилишининг барча компонентлари ва яхлит тизимини акс эттиради.

Педагогик аксиологияга доир адабиётларда “қадриятли установка” тушунчаси ҳам учрайди. Гарчи кўпчилик муаллифлар “қадриятли йўналганлик” ва “қадриятли установка” тушунчаларини синоним сифатида қўллашса ҳам, биринчилардан бўлиб М.Рокич улар орасидаги фарқни алоҳида ажратиб кўрсатган. Америкалик олимнинг фикрича, установкани маълум бир объект (конкрет ёки абстракт, шахсий ёки ижтимоий)га ёки вазиятга нисбатан субъект муносабатида акс этувчи узоқ вақт давомида шаклланган бир қанча ишонч, эътиқодлар мажмуи деб қараш мумкин [2]. Демак, йўналганликда шахснинг жамиятдаги меъёрлар билан инсон эҳтиёжлари уйғунлашуви акс этса, қадриятли установкада шахснинг амалий фаолиятда мазкур муносабатлари тизимини рўёбга чиқаришга тайёрлиги акс этади.

Педагогик аксиология соҳасида тадқиқотлар олиб борган олим Б.Ходжаевнинг таъкидлашича, шахс ўзининг ички позициясини англаши ва аниқ қадриятлар билан боғлиқликда амалий фаолиятга тайёрлиги қадриятли установканинг моҳиятини белгилаб беради. Установка шахснинг аниқ фаолиятга тайёргарлик ҳолатини акс эттирувчи когнитив (билим, ахборот) ва аффектив (эмоция, ҳиссиёт) компонентлар мажмуи сифатида намоён бўлади [3].

Қадриятли муносабатни шакллантиришнинг ёшга боғлиқ жиҳати фаоллашуви, айниқса, кичик мактаб ёшида муҳим роль ўйнайди. Биринчи синфга бориш вақтидан бошлаб болаларнинг воқеликка муносабатлари тубдан ўзгаради. Бошланғич мактаб ўқувчиси воқеликка муносабатнинг шаклланиш жараёнида кўпроқ ижодкорликни намоён эта бошлайди, унда психик жараёнларнинг ихтиёрийлиги шаклланади, ички ҳаракатлар режаси мустаҳкамланади, ўз иш ва ҳаракатларининг рефлексияланиши юз беради. Ушбу хусусиятлар, Д.Фельдштейн фикрига кўра, 9 ёшга келиб, улар билан ўзаро муносабатлар тизимини фаоллаштириш, шунингдек, илгари ноодатий бўлган ижтимоий маъқулланган фаолият орқали атрофдагилар томонидан тан олинishi зарурлигини келтириб чиқаради. Ушбу ўзгаришлар “Мен ва жамият” тизими шароитларида шахсий ривожланишнинг сифат жиҳатидан янги босқичга ўтишига олиб келади [4].

Кичик мактаб ёши – бу ижтимоий қадриятларни ўзлаштиришнинг сезгир даври ҳисобланади. Натижада улар билан кейинги педагогик ишлар, шунингдек, онтогенезнинг маълум бир босқичи шароитида янада ривожланиши учун асос бўлади. Кичик мактаб ўқувчиси кооперация ва ҳамкорликка жуда қизиқишини ва “ўқитувчи-бола” муносабатлари тизими аслида унинг мактаб ҳаётининг асосини ташкил этишини ҳисобга олсак, педагогик ўзаро муносабат истиқболларини қадриятлар тизими ва қадриятли муносабатларни шакллантириш нуқтаи назаридан, шунингдек, айнан шу ёш давридаги муносабатлар маданиятини ҳисобга олиш керак бўлади.

Муайян ёш жиҳатининг ушбу хусусиятлари назарий ва амалий билимларни эгаллаш доирасида узоқ вақт педагогиканинг ўрганиш объекти бўлиб келган. Бунда замонавий бошланғич таълим тизимида асосий эътибор боланинг шахси ривожланишининг фақат

бир томонига, яъни билим (интеллект)га қаратилган. Кичик мактаб ўқувчиларининг ижтимоий воқеликни ўзлаштириш ва унга нисбатан қадриятли муносабатларни шакллантириш бўйича фаолиятга мувофик, қоидага кўра, эклектик ташкил қилинган тадбирлар доирасида ушбу жараённинг фақат айрим тарқоқ элементлари мавжуд. Бу далил жамият ривожланишининг замонавий босқичида асосий тарбия функциялари оилага юкланиши, таълим ташкилоти эса ўз моҳиятига кўра, таълим фаолиятида юқорида айтиб ўтилган “камчилик”ка сабаб бўлган таълим хизмати билан изоҳланади.

Кичик мактаб ёшидаги болалар билан ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, атрофдагиларга эътиборли бўлиш, ғамхўрлик қилиш, агрессив ҳолатларни бошқариш ва тартибга солиш, келишмовчиликларни инсонпарварлик, зиддиятсиз йўллар билан бартараф этиш қобилиятини ривожлантириш мақсадида шахслараро муносабатлар маданиятини шакллантиришга йўналтирилган тарбиявий ишларни амалга оширишни тавсия қиламиз. Тадқиқотчи М.Рахимованинг фикрича: “7–10 ёшдаги ўқувчининг идроки унинг хатти-ҳаракати, ўйини ва меҳнат фаолияти билан бевосита боғлиқ, у ўзининг эҳтиёжи, майли, қизиқиш ва интилиши, турмуш шароитига мос, шунингдек, ўқитувчи тавсия этган нарсаларни идрок қилади. Биринчи синфга келган бола нарсаларнинг ранги, шакли ва катталигини, уларнинг маконда жойлашини билиш билан бир қаторда ўзаро таққослай ҳам олади. Мактабда муваффақиятли ўқиш учун болада сенсор ривожланиш даражасининг юқори бўлиши жуда муҳим. Мактаб ёшига келиб, меъёрида ривожланаётган бола расм ва суратлар реал ҳаётни акс эттираётганлигини яхши тушунади. Шунинг учун ҳам сурат ва расмларда нималар акс этганини реал ҳаётга таққослаган ҳолда билишга ҳаракат қилади. Бола расмларда атроф-муҳитдаги нарсаларни кичиклаштириб тасвирланганлигини англай билади. Бу тасвирлар болада эстетик ва бадиий дидни ривожлантиради.” [5]

Бошланғич мактаб ўқувчиларида шахслараро муносабатлар маданиятини шакллантириш жараёнида ўқитувчи шахсига катта аҳамият берилади, чунки тарбия билан шуғулланадиган муассасаларнинг (оилалар ва мактаблар) ҳамкорлигини рағбатлантириш орқали маданий-шахсий ривожланишнинг

қулай муҳити вужудга келиши учун шароит яратиш айнан унинг зиммасидаги вазифадир.

ХУЛОСА

Кичик мактаб ёшидаги болаларда қадриятли муносабатни шакллантиришнинг мазмунли жиҳати бу воқеликнинг муҳим объектлари ва ҳодисаларига муносабат тизими бўлиб, у ўқитувчининг фаол иштироки туфайли ўқув жараёнида шаклланади ва мустақамланади. Ушбу жараённинг асослари бўлиб одоб-ахлоқ ва экзистенциал қадриятлар хизмат қилади. Шундай қилиб, кичик мактаб ёшидаги болаларда қадриятли муносабатлар шаклланишида қуйидагилар биринчи даражали аҳамият касб этади: инсон ва бутун инсоният, табиат ва ҳаёт, меҳнат ва таълим, Ватан ва оила. Ушбу жиҳат бўйича тарбиявий вазифаларни очиб бериш бошланғич умумий таълимнинг Давлат таълим стандартларида қайд этилган таянч миллий қадриятларни шакллантиришга ёрдам беради.

Шунингдек, “ўқитувчи – ўқувчи”, “ўқувчи – ўқувчи”, “ўқитувчи – ота-она”, “ота-она – бола” тизимлари доирасидаги қадриятли ўзаро муносабатлар асосларини ҳисобга олиш муҳим роль ўйнайди. Бу болага субъектив-эркин қадриятли муносабатни, уни қўллаб-қувватлаш ва ҳамроҳлик қилишни таркиб топтиради ва нафақат аксиологик онгни шакллантириш методикаси ва технологияларини қўллай оладиган, балки кичик мактаб ўқувчиси шахсининг субъективлигини ривожлантиришга ёрдам берадиган ўқитувчи компетентлигининг алоҳида даражасини талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир // Халқ сўзи. – 2017. – 1 июль.
2. Rokeach M. The role of values in public opinion research // The Public Opinion Quarterly. Vol. 32. No. 4. – P. 547-559.
3. Ходжаев Б. Педагогик аксиология. – Т., “Fan va texnologiya” нашриёти, 2012. – 165 б.
4. Федоренко А.В. Социальный интеллект: Сущность и проблемы у студентов педагогических специальностей // Вестник Военного университета, 2011. – №4 (27). – С. 57.
5. Рахимова М. Бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни шакллантириш технологияси. Автореферат дисс. – Наманган, 2022. – б. 7.